

Ҳадис 190-дарс. Мўминнинг безаги таҳорат суви етган жойгача бўлади



19:00 / 06.07.2022 5270

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

لَوْ قِي مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ يَلِي لَخُتْ عَمَسُ نَعُ هَلَّ يَضَرَّةَ رِيَّهَ بَأَنْ ع
يَسَّ نَلَّ أَوْ مَلَسُمُ هَاوْرُ. عَوْضَوْلُ غَلْبَيُّ ثِيْحِنْمُؤْمَلَنْ مَعِي لَخُلَّ غَلْبَت

«У киши розияллоҳу анҳу:

«Мен ўз халилим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Мўминнинг беаги таҳорат суви етган жойгача етади», деганларини эшитдим», деди».

Муслим ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Халил» энг яқин ва сирдош дўст деганидир.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни халил қилиб олганининг хабари келган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни «халилим» дейишлари у кишининг ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббатларидандир.

Безак эса мўмин банданинг қиёмат куни Аллоҳ томонидан безалишидир. Аллоҳ таоло аҳли жаннатнинг васфида:

«Улар у ерда олтин билакузуклар ва инжулар ила безанурлар. У ердаги либослари эса, ипакдандир», деган («Ҳаж» сураси, 23-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифда:

«Мўминнинг беаги таҳорат суви етган жойгача бўлади», дейишларидан ҳар кимнинг беаги ҳар хил бўлиши келиб чиқмоқда. Демак, бу дунёда таҳоратни яхшилаб қилган мўминнинг у дунёдаги беаги ҳам яхши бўлади, кўп таҳорат қилганнинг беаги кўп бўлади. Шунингдек, банданинг қайси жойларига таҳорат суви етган бўлса, беаги ҳам ўша жойларгача етиб боради.

Биз, мўминлар шу билан бахтлимизки, ҳозирдаёқ охираддаги беагимизни хоҳлаганимизча яхшилаб олиш имконимиз бор. Бунинг учун эса таҳоратимизни ўз вақтида комил қилишимиз ва таҳорат сувини баданимизнинг кўпроқ жойига етказишга ҳаракат қилишимиз керак, холос.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди